

Тадкикотчиларнинг фикрларига караганда, илк шахарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишида энг мухим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ холда кечган.

Маълумки, мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг дехкончилик вохаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб, аҳолининг алоҳида жойлашув тизими шаклланади. Аҳолининг алоҳида жойлашув манзилгохларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар-ўтроқ дехкончиликнинг ривожланиши, аҳоли зичлигининг юқори даражаси, хунармандчиликнинг тараккий этиши, ижтимоий табақаланиш ва бошқарув тизимининг мураккаблашиб бориши, ўзаро алмашинув, савдо-сотик ва маданий алоқаларининг кучайиши ҳамда харбий-сиёсий вазият Ўзбекистон худудларида дастлабки шахарларнинг пайдо бўлишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мил. авв. III минг йилликнинг охири-II минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё худудларида дастлабки шахарларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шахар маданиятининг шаклланиши ҳам худди жамият тараккиётида бўлгани қаби узлуксиз тараккиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шахарсозлик маданиятининг шаклланиши, узок, босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Мил. авв. II минг йилликка оид Ўрта Осиё-даги Жаркўтон, Сополли, Дашли, Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улугтепа қабиларда илк шахарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги омиллар мухим аҳамиятга эга бўлди:

- аҳолининг ўтроқ дехкончиликка ўтиши ва кенг вохалар бўйлаб ёйилиши;
- хунармандчиликнинг ривожланиши ва айрим сохаларга ихтисослашиши;
- қадимги савдо йўлларининг ривожланиши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотикнинг тараккий этиши;
- табиий-географик ҳамда харбий-стратегик шарт-шароитлар.

Шахар маданияти даставвал Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё худудида шаклланди, сўнгра эса шимолга Сўғд (Кашқадарё, Самарканд, Бухоро), Хоразм, Шош ва Фаргона худудларига тарқалди. Бу — айнан юртлар ва халқлар тараккиётидаги нотекислик қаби тарихий қонуниятга зид эмас.

Кўп сонли археологик топилмаларнинг далолат беришича, Ўзбекистондаги айрим кўхна шахарларнинг ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб (Самарканд), Кизилтепа (Сурхондарё), Узунқир, Ерқўргон (Кашқадарё) қабилар қиради. Қадимги шахарлар — тарихий ривожланишдаги урбанистик жараёнда мухим аҳамиятга эга бўлган жамият тараккиётининг ижтимоий асоси ҳисобланади. Фикримизча, шахарлар тарихини ўрганиш жараёнида даставвал, энг қадимги шахарлар шаклланиши ва ривожланиши; аниқ худудлар ва вилоятлардаги тарихий-маданий шарт-шароитнинг таъсири; экологик-географик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик муҳитларнинг даражаси ва таъсир доираси; шахарларнинг вазифаси; қадимги шахар марказларининг

тарихий-маданий жараёнлардаги ўрни ва ахамияти масалаларига кенг эътибор қаратиш лозим.